



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2025 йил 4 сентябрь, № 183 (9078)

Пайшанба

Сайтимиға ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИЗЧИЛ ҲАМКОРЛИК ҲАМДА УЛКАН ИМКОНИАТЛАР ПОЙДЕВОРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 30 август – 3 сентябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Давлатимиз раҳбари Пекин шаҳрига расмий ташриф доирасида 3 сентябрь куни Тяньаньмэн майдонида Иккинчи жаҳон урушидаги Галабининг 80 йиллигига бағишланган тантанали ҳарбий парадда иштирок этди.

Тадбирда йигирмадан ортиқ давлат раҳбарлари ва вакиллари, жумладан, Россия, Беларусь, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Мўғлистон, Тожикистон, Туркменистон, Эрон, Вьетнам, Миср ва бошқа давлатлар етакчилари ҳам қатнашди.

ХПР Раиси Си Цзиньпин ўз нутқида бугунги шароитда тарихий хотирани асраб-авайлаш, тинчликни сақлаш ва адолатни таъминлаш муҳимлигини таъкидлади.

Парадда Хитой халқ озодлик армиясининг 45 та бўлинмаси иштирок этди. Хитой мудофаа саноати томонидан ишлаб чиқарилган ракета тизимлари, танклар, авиация техникаси ва ўқувчисиз учиб аппаратларнинг энг сўнгги намуналари намойиш этилди.

Бундай парадлар 1949 йилдан буён

Пекинда ўтказиб келинади, қуролни кучларнинг сўнгги катта кўриги эса 2019 йил 1 октябрда бўлиб ўтган ва унда 15 мингга яқин иштирокчилар қатнашган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Пекин шаҳридаги тантанали тадбирлардаги иштироки мамлакатимизнинг халқлар ўртасидаги дўстлик ва ўзаро англашувни мустаҳкамлаш, тинчлик, барқарор тараққиёт ва фаровонлик йўлида минтақавий ва глобал даражада конструктив мулоқотни ривожлантиришга қаратилган изчил ташқи сиёсатининг навбатдаги тасдиғи бўлди.

Умуман олганда, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикасига расмий ташрифи ҳар томонлама самарали бўлди.

Давлатимиз раҳбари 31 август куни рафиқаси билан бирга Тяньцзинь шаҳридаги “Мэйцзян” конгресс марказида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммитининг норасмий тадбирларида иштирок этди.

Бугунги замон турли зиддиятлар, низо

ва беқарорликлар тўлкини билан кечмоқда. Бир жойда можаро, бошқа жойда иқтисодий таназул, яна бир нўқтада терроризм ва хавфсизликка таҳдид кучайган.

Шундай мураккаб вазиятда халқлар ва давлатларни бирлаштириш, ишонч ва ҳамкорликни кучайтириш асримизнинг сиёсий кун тартибиде энг муҳим вазифага айланди.

Тяньцзинь шаҳрида 1 сентябрь куни ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси ҳамда “ШХТ плюс” саммити ва ундаги муҳокамалар бутун дунё эътиборида бўлди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг нутқи эса нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақа учун долзарб гоа ва таклифларга бой бўлди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган халқаро вазият ҳукм сураётган шароитда ШХТ жаҳонда барқарор ва адолатли тартибни таъминлашнинг мустаҳкам таянчларидан биридир. Бунинг ўзиде ташкилотнинг стратегик ўрни ва истиқболни кўрсатади.

2 сентябрь куни Пекин шаҳрида Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан расмий делегациялар иштирокида музокаралар бўлиб ўтди. Учрашув якунида амалий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича икки томонлама ҳужжатларнинг салмоқли тўплами имзоланди.

Шунингдек, Президентимиз Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан учрашиб, икки томонлама ҳамкорликнинг долзарб масалаларини муҳокама қилди.

Давлатимиз раҳбари Хитой Бош вазир Ли Цян, хорижий делегациялар раҳбарлари ва ишбилармон доиралар вакиллари билан ҳам самарали учрашувлар ўтказди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хитой Халқ Республикасига расмий ташрифи якунланди.

ЎзА.

Ўзбекистон Президентининг Хитойга ташрифи:

ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Хорижий эксперт доиралари вакиллари Ўзбекистон етакчисининг янги ташаббуслари ҳақида

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хитойга расмий ташрифи қизғин ва серқирра дастури билан ажралиб турадиган жорий сиёсий мавсумнинг энг муҳим воқеаларидан бирига айланди.

Ташрифнинг барча йўналиши бўйича самарали музокаралар олиб борилди, Тошкент ва Пекин ўртасидаги ишонч ҳамда стратегик ҳамкорлик мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари етакчиларидан бири ва ШХТ доирасидаги жараёнларнинг фаол иштирокчиси, шунингдек, Хитойнинг ишончли ҳамкори бўлган шароитда ташриф натижалари алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, экспертлар ҳамжамияти томонидан ижобий баҳоланмоқда.

Дунё нигоҳи

Хесус ХИЛ, Мадрид автоном университетининг Осиё тадқиқотлари маркази профессори, Испания Шарқшунослари уюшмаси бош қотиби, туркшунос:



— Ташриф расмий Тошкент ва Пекин ўртасидаги икки томонлама муносабатлар ривожига муҳим воқеа бўлди. Хитой Раиси Си Цзиньпин билан ўтган музокаралар икки давлат ўртасидаги ўзаро англашув ва стратегик ишончнинг юксак даражада эканини яққол намоён этди.

Президент Шавкат Мирзиёев Хитой билан ҳар томонлама стратегик шерикликни чуқурлаштириш ва амалий ҳамкорликни кенгайтириш тарафдори эканини намойиш қилди. Мулоқот чоғида “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини барқарор ривожланиш учун янги уфқларни очадиган “Бир макон, бир йўл” глобал ташаббуси билан уйғунлаштиришга катта эътибор қаратилди.

Ташрифнинг алоҳида аҳамияти ҳамкорликнинг стратегик йўналишлари — иқтисодиёт ва сармоядан тортиб, фан, таълим ва маданиятга бўлган икки томонлама ҳужжатлар тўплами имзоланганида намоён бўлмоқда. Ўзбекистон Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида жадаллик билан инновацион лойиҳалар, жумладан, электромобилларни биргаликда ишлаб чиқариш, “яшил” энергия ташаббусларини йўлга қўйиш ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш марказига айланмоқда.

Мазкур ташриф нафақат Ўзбекистон — Хитой алоқаларини янада мустаҳкамлаш, балки Президент Шавкат Мирзиёевнинг кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган изчил сиёсати, Ўзбекистоннинг глобал жараёнлардаги фаол иштирокини намойиш этиши билан ҳам аҳамиятли бўлди.

Магди ЗАББАЛ, «Миср — Ўзбекистон» дўстлик ҳамжамияти раиси, профессор:

— Ўзбекистон Президентининг Хитойга амалга оширган расмий ташрифи ва ШХТ саммитида иштироки Мисрда барча даражада, расмий идоралардан тортиб эксперт ва бизнес доираларида катта қизиқиш уйғотди.

Қоҳирада “ШХТ плюс” формати мулоқот майдони сифатида қўллаб-қувватланмоқда, Тошкентнинг транспорт-логистика оид ташаббуслари эса стратегик аҳамиятга эга деб баҳоланмоқда.



3

Форум

ИЛГОР ТАЖРИБА ВА ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАР

Авал хабар берганимиздек, Олий Мажлис Сенати Раиси бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Беларусь Республикасида расмий ташриф билан бўлди.

Ташриф доирасида “Ўзбекистон — Беларусь: ҳамкорлик барқарор ривожланиш омили сифатида” мавзуга бағишланган икки мамлакат тадбиркор аёлларининг учинчи бизнес форуми ҳам ўтказилди.

Форум иштирокчилари турли секцияларга бўлинган ҳолда икки мамлакат ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш, янги лойиҳа ва ташаббусларни амалга ошириш масалаларини муҳокама қилди.

Тадбир доирасида “Ўзбекистон — Беларусь: агросаноат соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришда экспертлик нигоҳи” мавзуга секция йиғилиши ўтказилди.

Унда агросаноат соҳасида ўзаро шериклик истиқболлари, илмий тадқиқот ишларини чуқурлаштириш, замонавий агротехнология ва инновацион ечимларни жорий этиш, инвестиция лойиҳаларини кенгайтириш масалалари муҳокама марказида бўлди.

Таъкидлаганидек, сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, фермер хўжаликлари ва аграр кластерлар фаолиятини замонавий технологиялар асосида ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда илмий ёндашув ҳамда инновацияларга таянган ислохотлар изчил амалга оширилмоқда.

Беларусунинг агросаноат соҳасидаги юқори технологиялари, механизация ва кадрлар тайёрлашдаги тажрибаси Ўзбекистон учун амалий аҳамиятга эга ҳамкорлик асосларидан бири сифатида қайд этилди.

Секция йиғилишида айтилганидек, 2024 йил якунлари бўйича Ўзбекистон ва Беларусь ўртасида агросаноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари савдо айланмаси 234,2 млн. АҚШ долларини, 2025 йилнинг январь — май ойларида эса мазкур кўрсаткич 122,7 млн. долларни ташкил этган.



Акс садо

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ МАЙДОН



Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Хитой, Россия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон давлатлари ҳамкорлигида 2001 йил 15 июнда ташкил топган халқаро минтақавий тузилма бўлиб, айни вақтда Ўзбекистон, Беларусь, Россия, Хитой, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон, Покистон, Ҳиндистон, Тожикистон аъзо давлатлар сифатида, Афғонистон ва Мўғлистон кузатувчи, 14 та давлат эса мулоқот бўйича ҳамкорлар ҳисобланади.

Ҳозирги кунда ШХТ макони хомашё, махсулот, малакали ишчи кучи ва инсон капитали, технологик салоҳият нўқта назаридан кучли минтақа саналади. У улкан транспорт ва транзит имкониятларига эга. Евроосиё маконида Шарқ — Ғарб ва Шимол — Жануб йўналишларида янги халқаро темир йўл ва автомобиль йўллари қурилиши стратегик аҳамият касб этмоқда.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолиятида Ўзбекистоннинг иштироки тасодифий танлов эмас, балки мамлакат келажагини белгилаб берувчи стратегик қарор. У хавфсизликни таъминлаш, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва барқарор тараққиётни йўлга қўйишга қаратилган.

Иқтисодий, интеллектуал, ре-

сурс ва технологик йўналишларда улкан салоҳиятга эга бўлган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти халқаро майдонда ўз таъсирини изчил кенгайтириб бормоқда. Глобал ноаниқлик кузатилаётган ҳозирги шароитда бу муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон мазкур ташкилотнинг фаол аъзоси сифатида унинг изчил кенгайтиши тарафдори. Чунки “ШХТ модели”нинг муваффақияти унинг очкилиги ва кенг қўламли ҳамкорликка йўналтирилганидир. ШХТнинг мулоқот бўйича шериклари таркиби, жумладан, бошқа минтақа давлатлари ҳисобидан кенгайиб бораётгани ташкилотни Глобал Жануб мамлакатлари билан ҳамкорлик платформасига айлантиришга ёрдам беради.



Парламентлараро комиссиянинг биринчи мажлиси ўтказилди

Витебск шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Беларусь Республикаси Миллий Мажлиси Республика Кенгаши ҳамкорлигида парламентлараро комиссиянинг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Йиғилиш

Унда парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди, биргаликда ишларнинг устувор йўналишлари келишиб олинди ва ҳамкорликнинг янги формати истиқболлари баҳоланди.

Томонлар Парламентлараро комиссиянинг ташкил этилиши Ўзбекистон — Беларусь муносабатларини ривожлантиришда муҳим қадам бўлганини эътироф этди. Янги механизм сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар соҳаларда тизимли мулоқотни йўлга қўйиш, ташаббусларни мувофиқлаштириш ва узоқ мuddатли ҳамкорлик дастурларини ишлаб чиқиш имконини беради.



«ЯШИЛ» ТАРАҚҚИЁТ — ДАВР ТАЛАБИ

Жаҳон ҳамжамияти Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлиси ҳамда “ШХТ плюс” саммитини катта қизиқиш билан кузатди. Кун тартибидеги атрофлича муҳокама қилинган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан очиқ фикр алмашилгани эътибор марказида бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу саммитдаги нутқида илгар сурилган фикр ва таклифлар, ташаббуслар эса Ўзбекистоннинг минтақавий тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва тараққиётга эришишдаги мустаҳкам позициясини яна бир бор яққол намоён этди.

Барча соҳалар қатори табиатни асраш ва “яшил” энергия йўналишидаги ҳамкорликка алоҳида ургу берилди. Бу бежиз эмас. Чунки XXI асрда инсоният олдидаги энг катта синов — бу

иқлим ўзгариши, табиий ресурсларнинг чекланганлиги ва барқарор ривожланишни таъминлаш билан боғлиқ.

Президентимиз таъкидлаганидек, ШХТ фаолиятидаги эътибор қаратилиши зарур йўналишлардан бири — “яшил” трансформация соҳасида ҳамкорликни чуқурлаштириш. Хитой ташаббуси билан илгари сурилган ва қабул қилинаётган “Яшил саноатда ҳамкорлик баёноти” ўз вақтидаги муҳим ташаббус сифатида баҳоланди.



ИНТЕНСИВ ДИПЛОМАТИЯ ФАРОВОНЛИК САРИ ЙЎЛ ОЧАДИ

Журналист ва сиёсатшунос сифатида давлатимиз раҳбарининг хорижий ташрифларини катта қизиқиш ва ҳаяжон билан мунтазам кузатиб бораман. Ўтган саккиз йилда Президентимиз Ўзбекистоннинг янги, замонавий, интенсив дипломатия услубини яратди.

Хитой Халқ Республикасида беш кун давом этган расмий ташриф йилнинг жуда муҳим сиёсий воқеаси бўлиши табиий. Ўзбекистон Президентининг Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тяньцзинь саммитида, “ШХТ плюс” форматидаги мулоқотларда иштироки, Хитой Халқ Республикаси Раиси, Россия Федерацияси Президенти, Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазир, ушбу мамлакатнинг оубрули компаниялари раҳбарлари билан ўтказган самарали музокараларининг аҳамияти беқиёс. Ҳар бир учрашув ва ташаббусларида халқимизнинг манфаатлари асбоб бўлди.

Шу ўринда куйидаги рақамга эътибор беринг. 2024 йилдаги глобал тўқимачилик бозорининг ҳажми тахминан 1 трлн. доллар атрофида баҳоланган, эҳтиёж йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ҳўш, талаб кўтарилаётган дунё

бозорига Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган бу турдаги товарларни етказишда энг муҳим масала нима? Албатта, транспорт ва логистика. Президент Шавкат Мирзиёевнинг яқин кўшничилик ва самарали ҳамкорликни ифода этган ташқи сиёсати ва ташаббуси билан 2024 йил декабрда Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилишига старт берилди. Шу йил июль ойида Ўзбекистон, Афғонистон ва Покистон Трансафғон темир йўлининг техник-иқтисодий асосини ишлаб чиқиш бўйича уч томонлама ҳадли битим имзоланиб, бу йўлни қуриш борасида муҳим қадам қўйилди.

Давлатимиз раҳбари “Шанхай ҳамкорлик ташкилоти плюс” форматидаги мажлисда илгари сурган ташаббуслардан бири айнан мана шу икки йўлакни бир-бири билан боғлашни назарда тутди.



ИЛГОР ТАЖРИБА ВА ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАР

Ийгилиш якунида икки томонлама ҳамкорликни мустақамлашга қаратилган бир қатор ҳужжатлар имзоланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти ва Беларусь Миллий фанлар академиясининг В. Ф. Купревич номидаги Экспериментал ботаника институти ҳамда Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институти ва Беларусь Миллий фанлар академиясининг “Зигир институти” республика илмий шубба унитар корхонаси ўртасида ҳамкорлик меморандумлари имзоланди.

лиққа татбиқ қилиш учун муҳим майдон вазирасини ўтамоқда.

Шунингдек, рақамли тенгликни таъминлаш, ёш хотин-қизларнинг IT ва сунъий интеллект соҳаларидаги етакчилигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг стартап ташаббусларини рағбатлантиришга қаратилган дастурлар амалга оширилаётгани ҳақида сўз юритилди. Бу борадаги мамлакатимиз тажрибаси алоҳида эътироф этилди.

Иштирокчилар эътиборига Ўзбекистон илгари сурган “яшил дипломатия” ташаббуси ҳам ҳавола қилинди. Мазкур ташаббус ёшларнинг экологик онгини юксалтириш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш ва Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга ҳисса қўшишини қўллаб-қувватлашга қаратилгани билан долзарб аҳамиятга эгалиги айтилди.

Бундан ташқари, секция ийгилишида Ўзбекистон ва Беларусь ўртасида ёшлар сиёсати соҳасидаги ҳамкорлик истиқболлари ҳам муҳокама қилинди. Хусусан, ёшлар алмашинув дастурлари, қўшма лойиҳалар ва мулоқот майдонини кенгайтириш масалалари муҳим йўналишлар сифатида белгиланди.

Бизнес-форум доирасида ўтказилган 6-секция демократия, ҳуқуқ устуворлиги ва барқарор ривожланишда ёшларнинг иштирокига бағишланди.

Сўзга чиққан Сенат ва Ёшлар парламенти аъзолари таъкидлаганидек, мамлакатимизда ёшларнинг сиёсий жараёнлардаги фаоллигини ошириш мақсадида ёшлар парламенти фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, у ёш авлоднинг давлат бошқарувида бевосита иштирок этишини таъминлаш, уларнинг ташаббусларини қонунчи-

Анжуман доирасида Ўзбекистон ва Беларусь ҳудудларининг барқарор ривожланишини таъминлашда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ўрни ҳамда аҳамиятига бағишланган секция ийгилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакат парламенти аъзолари, вазирилик ва идоралар вакиллари, шунингдек, ҳудудий вакиллик органлари депутатлари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар икки мамлакат ўртасидаги дўстона алоқаларнинг мустақамлашиши нафақат миллий парламентлар даражасида, балки ҳокимиятнинг ҳудудий вакиллик органлари ўртасида ҳам ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлади. Ҳудудларнинг барқарор иқтисодий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳудудларни ривожлантиришнинг самарали воситаси сифатида депутатлик назорати, халқ депутатлари Кенгашлари ишда жамоатчиликнинг фаол иштироки, Минск ва Тошкент шаҳарлари ўртасидаги биродарлик алоқаларини ривожлантириш, шу-

нингдек, ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари диққат марказида бўлди.

Гродно вилояти мисолида хотин-қизларнинг сиёсат ва маҳаллий бошқарувидаги иштироки, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг минтақавий дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда ижро этиш амалиёти, шунингдек, маҳаллий ҳокимият ва ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзаро ҳамкорлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Ийгилиш якунида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи комиссияси ҳамда Беларусь Республикаси Миллий Мажлиси Республика Кенгашининг Минтақавий сиёсат ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш бўйича доимий комиссияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Шунингдек, Термиз шаҳри (Сурхондарё вилояти), Ўзбекистон Республикаси) ва Полоцк тумани (Витебск вилояти, Беларусь Республикаси) ўртасида дўстона муносабатларни ўрнатиш тўғрисида битим имзоланди.

Таъкидлаганидек, бундай ташаббуслар ҳудудлар ўртасидаги алоқаларни мустақамлаш, илгор тажриба алмашиш ва икки мамлакат ҳудудларини ривожлантиришнинг барқарор механизмларини шакллантиришга хизмат қилади.



ИНТЕНСИВ ДИПЛОМАТИЯ ФАРОВОНЛИК САРИ ЙЎЛ ОЧАДИ

Бу ташаббусни амалга ошириш ШХТ ва Глобал Жануб макониде жойлашган барча мамлакатлар учун жуда зарур.

Ўзбекистон энг яқин қўшилари-дан бири бўлган Афғонистон билан кейинги йилларда тинчлик ва тараққиёт йўлида айнаи реалликдан келиб чиқиб таъсирчан ва натижали мулоқот қилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад — Афғонистоннинг барқарор ва замонавий тараққиётга эришишига яқиндан ёрдам бериш. Ҳозирдан-узоқ мушоҳадлар эмас, аниқ рақамларнинг ўзи кўп нарсаларни изоҳлаб беради. Интернетдаги расмий манбаларга кўра, бугун Афғонистонда 40 млн.дан ортиқ

компаниялари раҳбарлари билан музокаралари Ўзбекистонда янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, яна минглаб юртдошларимизни иш билан таъминлашга қаратилган. Мамлакатимизга юқори, илгор, инновацион ҳамда мураккаб илмий тадқиқот ва муҳандислик технологияларига эга қудратли корхоналарнинг қириб келишига замин яратилмоқда.

Масалан, “China National Building Materials” (CNBM) компанияси 28 та, жумладан, АҚШ, Германия ҳамда БАА каби дунёнинг ривожланган давлатларида 40 га яқин филиалларига эга. Ёки “China National Petroleum Corporation” (CNPC) ишлаб чиқариш саноатида инқилоб қилган жамоалардан бири. У энергетика, юқори кучли электр узатиш, рақамли инфратузилма ва оптик толали алоқа, онлайн савдо, “ақлли” логистика, булутли технологиялар ва

Ўтган саккиз йилда Президентимиз Ўзбекистоннинг янги, замонавий, интенсив дипломатия услубини яратди.

булутли технологиялар ва биомониторинг станцияларини, маълумотларни катта ҳажмларда қайта ишлаш технологияларини ривожлантиришда энг сўнгги тажрибаларни жорий қилган. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Хитойга расмий ташрифи сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Кўп қутбли тизим, геоиқтисодий, мин-

аҳоли истиқомат қилмоқда. Бу, аввало, жуда катта бозор, дегани. Қолаверса, бу мамлакатда инсон ресурслари ва капиталнинг ривожланишидан унга кўшни бўлган барча мамлакатлар бирдек манфаатдор. Шу маънода, Президентимиз халқаро ҳамжамиятнинг Афғон ҳукумати билан конструктив мулоқоти минтақанинг умумий мақсадларига мос келишига алоҳида урғу берди.

Ўзбекистоннинг стратегик ҳамкори сифатида Хитой мамлакатимиздаги кўламдор ислохотларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, энг кўп сармоя киритаётган давлатлардан биридир. Инвестиция лойиҳалари портфели 60 млрд. доллардан ошмоқда. Ўтган йилнинг ўзида 10 млрд. доллардан ортиқ 64 та лойиҳа ишга тушди. Янги корхоналарда минглаб ватандошларимиз ишли бўлмоқда. Бу параллел равишда иккита муҳим мақсадга хизмат қилмоқда. Биринчиси, одамларимиз замонвий корхоналарда ишлаяпти. Иккинчиси, юқори технологик кўникмаларни эгаллаб рақобатбардош мутахассисга айланяпти.

Президентимизнинг Хитойга ташрифи доирасида халқаро микёсда катта обрўга эга “China National Building Materials” (CNBM), “China National Petroleum Corporation” (CNPC), “China National Nuclear Corporation”, “Henan Investment

суъий интеллект, биомуҳандислик ва биомониторинг станцияларини, маълумотларни катта ҳажмларда қайта ишлаш технологияларини ривожлантиришда энг сўнгги тажрибаларни жорий қилган. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Хитойга расмий ташрифи сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Кўп қутбли тизим, геоиқтисодий, мин-

Нуфузли хорижий давлатлар раҳбарлари томонидан қўллаб-қувватланган Ўзбекистон етакчисининг ташаббуслари халқаро кун тартибининг белгилашда асосий векторлардан бири бўлмоқда.

тақавий интеграция, ишончли мустақамлаш чоралари каби кучли ҳаётий эҳтиёжларни акс эттирувчи халқаро сиёсат шариоитида барча мамлакатлар ўз манфаатларини илгари суриши табиий. Мана шундай вазиятда, нуфузли хорижий давлатлар раҳбарлари томонидан қўллаб-қувватланган Ўзбекистон етакчисининг ташаббуслари халқаро кун тартибининг белгилашда асосий векторлардан бири бўлмоқда. Бу, албатта, эътирофга лойиқ.

Гуломжон САМАДОВ, журналист, сиёсатшунос.

Парламентлараро комиссиянинг биринчи мажлиси ўтказилди

Ҳудудлараро алоқаларни ривожлантириш ва маҳаллий вакиллик органлари ўртасидаги муносабатларни мустақамлашга алоҳида урғу берилди. Парламент аъзолари таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, туризм ҳамда ижтимоий сиёсат соҳаларида фаол тажриба алмашиш, лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш орқали ҳудудлар ҳамкорлигининг драйверига айланиши мумкинлигини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Беларусь тадбиркор аёлларининг учинчи бизнес форуми доирасида туризм, таълим, соғлиқни сақлаш, енгил саноат, машинасозлик ва бошқа муҳим йўналишлар бўйича секция ийгилишлари ўтказилгани юқори баҳоланди.

Шунингдек, икки мамлакат ёшлар парламенти ўртасида фаол ҳамкорлик ёш авлодга қонун ижодқорлигида иштирок этиш, тажриба алмашиш ва дўстона алоқаларни мустақамлаш имконини бериши айтилди.

Мажлис якунида парламентлараро мулоқотни чуқурлаштириш, минтақавий алоқаларни ривожлантириш, жамоатчилик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва ёшларни ушбу жараёнга жалб этишга қаратилган қўшма механизм ва дастурларни ишлаб чиқишга келишиб олинди.

Комиссия фаолияти Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги ҳар томонлама шерикликни мустақамлашда муҳим воситага айланиши таъкидланди.

Кўргазма

«MADE IN UZBEKISTAN» экспортбоп маҳсулотлар намойиши

Ўзбекистон ва Беларусь тадбиркор аёлларининг учинчи бизнес форуми доирасида “Made in Uzbekistan” миллий маҳсулотлар кўргазмаси бўлиб ўтди.

Мазкур миллий кўргазмага Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева ва Беларусь Республикаси Миллий Мажлиси Республика Кенгаши Раиси Наталья Кочанова ташриф буюрди.

“Витебск” концерт залида ўтказилган кўргазмада Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, фармацевтика, енгил саноат, электротехника, ахборот техноло-

гиялари, туризм ва ҳунармандчилик каби соҳаларда ишлаб чиқарилган турли хил маҳсулот ва хизматлар кенг намойиш этилди.

Таъкидлаш жоизки, “Made in Uzbekistan” бренди остида тақдим қилинган маҳсулотлар Ўзбекистонда маҳаллий хомашё асосида, замонвий технологиялар ёрдамида ишлаб чиқарилган бўлиб, улар сифат ва экспортбоплик жиҳатдан халқаро

талабларга тўла жавоб беради.

Шу билан бирга, кўргазмада Беларусь Республикасининг миллий маҳсулотлари ҳам намойиш қилинди. Бу икки мамлакат ишлаб чиқарувчилари ўртасида ўзаро тажриба алмашиш, ўрганиш ва янги ҳамкорлик лойиҳаларини муҳокама қилиш учун қулай муҳит яратди.

Кўргазма доирасида Ўзбекистон ва Беларусь тадбиркорлари ўртасида “B2B” мулоқотлар, маҳсулот тақдимотлари ва савдо учрашувлари ташкил этилди.

Форум фойдали келишувларга бой бўлди

Кеча Беларусь Республикасининг Витебск шаҳрида “Ўзбекистон — Беларусь: ҳамкорлик барқарор ривожланиш омили сифатида” мавзусида Ўзбекистон ва Беларусь тадбиркор аёллари учинчи бизнес форумининг ялпи мажлиси ўтказилди.

Анжуман

Тадбирни Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева ва Беларусь Республикаси Миллий Мажлиси Республика Кенгаши Раиси Наталья Кочанова кириш сўзи билан очди.

Ялпи мажлис очилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко томонидан йўланган мурожаатлар ўқиб эшиттирилди.

Уларда икки давлат раҳбарларининг аёллар иштирокидаги бизнес ҳамкорликни ривожлантиришга қаратаётган эътибори алоҳида таъкидланди.

Тадбирда икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати, унинг истиқболлари, хусусан, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, савдо-иқтисодий, инвестицион

ва маданий-гуманитар алоқаларни мустақамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Бизнес-форум натижалари самарали ва амалий жиҳатдан бой бўлди. Форум доирасида 140 миллион АҚШ долларидан ортиқ қийматга эга 10 та тижорат битими, 3 та англашув меморандуми, 27 та шартнома ҳамда 4 та “Йўл харитаси” имзоланди.

Анжуманда ҳар икки давлатдан 200 дан зиёд тадбиркорлар катнашди. Уларнинг 60 нафари ўзбекистонлик тадбиркор аёллардир. Тадбиркорларимиз турли соҳаларга тааллуқли лойиҳаларни тақдим этишиб ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилди.

Форум иштирокчилари томонидан Ўзбекистон ва Беларусь ўртасидаги алоқаларни янада чуқурлаштириш, янги ташаббуслар ҳамда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун мустақам асос яратилгани таъкидланди.

Ялпи мажлис якунида Ўзбекистон ва Беларусь тадбиркор аёлларининг учинчи бизнес форуми декларацияси қабул қилинди. Унда ҳамкорликнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди.

Ўзбекистон — Беларусь тадбиркор аёлларининг кейинги тўртинчи бизнес форумини мамлакатимизнинг тарихий шаҳарларидан бирида ўтказиш режалаштирилаётгани қайд этилди.

«Халқ сўзи».

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРУВЧИ МАЙДОН

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ташқи сиёсатда Ўзбекистоннинг асосий устувор йўналишларидан бири — Марказий Осиёнинг ШХТнинг ўзак маркази сифатидаги ролини мустақамлаш. Сунгги йилларда ташкилот кенгайиб, Жанубий Осиё ва Урта Шарқ давлатларини ўз сафига қўшди. Натижада Марказий Осиё Евроосиё маконидеги мамлакатларни боғловчи халқаро кўприкка айланди. Президент ўз нутқида Ядро хавфсизлиги доирасида кўп томонлама шерикликни мустақамлаш бўйича ШХТ декларациясини қабул қилиш каби қатор амалий тақдирларни илгари сурди. Ушбу декларация тинчлик йўлидаги атомни ривожлантириш ва фавқулодда ҳолатларга жавоб қайтаришнинг мустақам асосига айланади, БМТ шафелигидаги таркатмаслик глобал режимида муносиб ҳисса бўлади.

Бундан ташқари, терроризм, экстремизм ва кибержиноятчилик каби таҳдидларга қарши самарали курашиш мак-

садида Ички ишлар ва жамоат хавфсизлиги вазирилик кенгаши ишини қайта тиклаш. Жиноятчиликка қарши курашишда ҳамкорлик тўғрисидаги битимни қайта кўриб чиқиш, Гиёҳвандликка қарам бўлиб қолишга қарши курашишнинг 2030 йилга қадар мўлжалланган дастурини ишлаб чиқишни тақдир этди.

Шу билан бирга, ШХТ доирасида стратегик материаллар бўйича минтақавий марказ, энергетика консорциуми, инвестицияларни илгари суриш учун электрон платформа, мультимодал тармоқлар, рақамли платформа ва яшил йўлақларни яратишни назарда тутувчи концепцияни яратиш ҳам тақдир қилинди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “ШХТ ягона транспорт макони”ни шакллантириш ва уни “Бир макон, бир йўл” стратегик ташаббуси билан боғлаш бўйича савий-ҳаракатларни мувофиқлаштириш учун катта имкониятлар кўзга ташланмоқда. Бу янги мультимодал тармоқлар, рақамли платформалар ва “яшил” йўлақлар яратишни назарда

тутади. Бу борада тегишли кўп томонлама концепцияни ишлаб чиқиш ҳам тақдир қилинди. Зеро, тузилма доирасида ташқи бозорга чиқишда миллий маҳсулотларни минтақавий ва халқаро бозорларга логистик хизматлар орқали экспорт қилиш, ҳамкорликда логистик инфратузилмалар яратишга ҳам эътибор кенгайиб бораётганлиги кўри-ниб турибди.

Асосийси, Ўзбекистон ШХТни иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш, транспорт ва логистика инфратузилмасини ривожлантириш, “яшил” ташаббусларни илгари суриш, рақамли трансформация жараёнларини жадаллаштириш ҳамда гуманитар ва ижтимоий ҳамкорликни кенгайтиришнинг кўп қиррали май-дони сифатида кўришда давом этади.

Жамила БОБАНАЗАРОВА, Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси аъзоси.

«ЯШИЛ» ТАРАҚҚИЁТ — ДАВР ТАЛАБИ

Албатта, экологик таҳдидлар янги технологиялар ёрдамида бартараф этилиши мумкин. Президентимиз иқлим ўзгаришига мослашиш, ҳавога зарарли чиқиндиларни камайтириш ва экологик хавфларни олдиндан башорат қилишда сунъий интеллект технологияларини жорий этиш заруриятини таъкидлади. Бу фикр оқсак илмий-инновацион салоҳиятни экологик масалаларга йўналиштириш заруратини яна бир бор кўрсатиб берди.

Ўзбекистон ШХТ макониде “яшил” энергетикани жадал ривожлантириш ташаббусини илгари сурди. Энергетика консорциуми яратиш гоёси нафақат мамлакатларимизнинг барқарор иқтисодий ўсиши, балки табиат муҳофазаси учун ҳам катта аҳамиятга эга. “Яшил” энергия — бу табиатни асраб-авайлаб, келажак авлодларга тоза ҳаво, соф сув ва соғлом муҳитда яшаш имконини берувчи йўл ҳисобланади.

Шу билан бирга, мамлакатимиз раҳбари минералларни қазиб олиш ва қайта ишлашда илгор технологияларни қўллаш учун минтақавий марказ, стартап ва инновацияларни рағбатлантириш учун венчур жамғармалари тармоғини йўлга қўйиш тақдирини ҳам билдирди. Бу ташаббуслар экологик муаммоларга замонавий ечим излашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Табиатни асраш — фақат иқтисодий ёки технологик масала эмас, балки маданий ва маънавий жараён. Шу боис ҳам халқ дипломатиясини кучайтириш, ёшлар ўртасида экологик билимларни ошириш, “яшил” ташаббуслар билан боғлиқ олимпиадалар ва танловлар ташкил этиш нутқда алоҳида ўрин олди.

Дунёдаги хавф-хатарлар тобора кучайиб бораётган бир шариоитда ШХТ макониде “яшил” трансформация, экологик хавфсизлик ва барқарор ривожланиш йўналишларига

эътибор қаратилиши инсониятнинг умумий манфаатларига хизмат қилади.

Президентимиз томонидан илгари сурилган ташаббуслар бир ҳақиқатни аниқлатади: табиатни асраш — бу фақат экологик сиёсат эмас, балки тинчлик, хавфсизлик ва тараққиётнинг асосий шартларидан бири. Шу маънода, “яшил тараққиёт” гоёси Ўзбекистоннинг нафақат ички, балки ташқи сиёсатининг йўналишларида ҳам устувор аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистоннинг ушбу саммитда иштирок этиши, дунё саҳнида ўз ташаббусларини илгари суриши экологик барқарорликни янада мустақамлаш, халқаро ҳамкорликни фаол кенгайтириш учун хизмат қилади.

Сапарғул УТЕМУРАТОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

Сиёсий партиялар фракцияларида



ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИ ВА САЙЛОВЧИЛАР ЎРТАСИДА АЛОҚАЛАР КУЧАЙТИРИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда дастлаб Президентимизнинг мамлакатимиз мустақиллигининг 34 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқининг мазмун-моҳияти атрафлича муҳокама қилинди.

Шунингдек, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида мамлакатимиз раҳбари томонидан минтақавий барқарорлик ва иқтисодий шериклики янада мустаҳкамлаш бўйича илгари сурилган ташаббусларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Фракция раҳбари Ақтам Ҳайитов Президентимиз нутқининг аҳамиятига тўхталар экан, унда халқро вазиётнинг чуқур таҳлили ва амалий ечимлар узвий мужассамлашгани, мамлакатимиз етакчиси замонамизнинг асосий муаммолари — ўзаро ишонч инқирози, кўп томонлама институтларнинг заифлашуви, жаҳон иқтисодиётининг парчаланишини тўғри белгилаб бергани ва уларни бартаф этишининг аниқ йўллари тақлиф қилганини таъкидлади.

Саммитда қабул қилинган Тяньцзинь декларацияси, ШХТнинг 2025 йилга бўлган ривожланиш стратегияси ва яқини ҳужжатлар кўп қиррали ҳамкорлик ва замонавий давр муаммоларига самарали жавоб бериш учун ишончли асос бўлиб хизмат қилиши эътироф этилди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбарининг "Ташаббусли бюджет жараёнларини такомиллаштириш доирасида халқ вакиллари ва сайловчилар ўртасида ҳамкорликини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг мазмун-моҳияти муҳокама қилинди.

Мунозаралар давомида фракция аъзолари Бахтиёр Артиқов, Абдуманнон Бўриев ва Муқаддас Аҳмедова мазкур қарор халқ вакиллари зиммасига катта масъулият юклаши, ҳужжат, аввало, аҳоли манфаатларини таъминлаш, ҳаётини яхшилашга хизмат қилишини таъкидлади.

Фракция аъзолари, шунингдек, Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2025 йил биринчи ярим йиллигидаги ижросини дастлабки тарзда кўриб чиқди.

ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАДОРЛИГИ — МУҲИМ ОМИЛ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси йиғилишида Президентимизнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисидаги тарихий нутқининг аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

— Хитойнинг дунёга машҳур компаниялари раҳбарлари билан учрашув, шубҳасиз, Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестиция ва юқори технологияларни киритиш ҳамда мамлакатимизнинг глобал ривожланишида муҳим аҳамият касб этади, — деди фракция раҳбари Алишер Қодиров.

Фракция йиғилишида Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2025 йил биринчи ярим йиллигидаги ижросига оид масала дастлабки тарзда кўриб чиқилди. Депутатлар Давлат бюджетни муҳокамаида партия голяридан келиб чиқиб, қандай масалаларга эътибор қаратиш зарурлиги борасида ўзаро фикр алмашди.

Мазкур масала бўйича фракция аъзоси Руслан Жумамуратов сўзга чиқиб, жаҳон иқтисодиётидаги кескин ўзгарувчанлик ва юқори ноаниқлик шароитида, ҳудудларда аҳоли бандлиги ва тадбиркорликни ривожлантириш юзасида чоралар ҳамда амалга оширилган ислохотлар натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ички маҳсулот ҳажми 7,2 фоиз ўсганини маълум қилди.

Депутатлар ҳудудларда ўрганишлар чоғида мактабларни дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан тўла таъминлашда айрим муаммолар борлигини аниқлаган ва партия мазкур масалани мунтазам равишда тегишли вазирлик олдида кўярди.

Фракция аъзоси Баҳодир Мамадтонов шу ҳақда тўхталиб, ҳисобот даврида бу борада муайян ишлар қилинган, жумладан, дарсликлар билан боғлиқ харажатлар учун 784,8 млрд. сўм, музика анжумлари хариди учун эса 49,4 млрд. сўм сарфланганини қайд этди.

Йиғилишда кун тартибидан ўрин олган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Президентининг Хитойга ташрифи:

ШЕРИКЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий ютуқлари, айниқса "яшил" энергетика ва инфратузилма соҳасидаги муваффақиятлари, нафақат кўшни давлатлар, балки Яқин Шарқ ва Шимолий Африка учун ҳам намуна сифатида эътироф этиляпти.

Умуман олганда, Миср таҳлил доиралари Президент Шавкат Мирзиёевнинг Хитойга расмий ташрифини Ўзбекистоннинг халқро имижини мустаҳкамловчи, Марказий Осиёни "Глобал Жануб" архитектурасидаги родини кучайтирувчи омил сифатида баҳоляпти.

Макс СЭЙ, «KSI Strategic Institute for Asia Pacific» таҳлил маркази ижрочи директори (Малайзия):

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тяньцзинь шаҳрида бўлиб ўтган "ШХТ плюс" форматдаги учрашувидаги нутқи Малайзия ва бутун АСЕАН манфаатларига мос келадиган прагматик кун тарти-



йўлақларини улашгача бўлган ишлаб чиқариш ва логистика занжирларини кенгайтириш бўйича тақлифлар бевосита Евросиё билан алоқаларни диверсификация қилиш, транзит хатарларини камайтириш стратегиямизга хизмат қилади. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тяньцзиньдаги саммити контекстида ушбу ташаббуслар Жануби-Шарқий Осиёдаги минтақавий лойиҳалар билан бирлашиш учун ўз вақтида ва реал кўринмоқда.

бини белгилаб беради. ШХТни "Глобал Жануб" билан ўзаро ҳамкорлик учун оқиқ платформага айлантириш гоёси, шунингдек, ШХТ Ягона транспорт маконини шакллантириш ҳамда Шарқ — Ғарб ва Шимол — Жануб

Ва ниҳоят, Ўзбекистон ва Малайзия раҳбариятининг Фаластин муаммоси бўйича позициялари яқинлиги ҳам эътиборга молик. Ҳар икки томон ҳам зудлик билан ўт очишни тўхтатиш, инсонпарварлик ёрдами ва БМТ резолюциялари асосида икки давлат келишувини амалга ошириш тарафдоридир. Бу расмий Тошкент ва Куала-Лумпур ўртасидаги ишонч ҳамда сиёсий синергияни мустаҳкамлайди, раҳбарият даражасида стратегик қарашларнинг ўхшашлиги билан тўлдирилади.

Цуан ЧХУЯ, Хитойнинг «Nansha Economic Cooperation Association» ижрочи раиси:

— Президент Шавкат Мирзиёев Хитой раҳбарияти, шунингдек, ишбилармон доиралар вакиллари билан учрашувларда транспорт соҳасида, жумладан, "Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон" лойиҳаси, кўшма илмий тадқиқотлар, "яшил" энергия,



соғлиқни сақлаш, сунъий интеллект, маданият, таълим, туризм соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш истагини қайд этди.

Менимча, ШХТнинг транспорт-транзит салоҳиятидан унумли фойдаланиш, Марказий Осиё орқали ўтадиган жанубий йўналишдаги йўлақларни ривожлантириш бўйича тақлифлар бутун минтақа учун ҳаётий аҳамиятга эга.

Гуангдонг музофотининг бизнес вакили сифатида мен Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболларига ишонч билан қарайман.

«Дунё» АА.

Уч томонлама саммит:

ҲАЁТЙ ТАШАББУС ВА ИСТИҚБОЛАР

Доимий ўзгариб бораётган дунёнинг мураккаб шароитида давлатлар ўртасидаги дўстлик ва ишончга асосланган барқарор ҳамкорликни сақлаб қолиш халқро муносабатларда кам учрайдиган ҳодисадир.

Хозирда Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари давлатлараро алоқалар ривожига янги чарашни намойиш этмоқда. Ўзбекистон ташаббуси билан 2017 йилда бошланган яхши кўшничлик ва ишончга асосланган жараёнлар

нафақат Марказий Осиё минтақаси доирасида ривожланиш, балки Жанубий Кавказ билан минтақалараро ҳамкорликни кенгайтириш учун янги имконият ва истиқболларни очмоқда.

Туркманistonнинг "Аваза" миллий туристик зонасида ўтган Озарбайжон, Туркманiston ва Ўзбекистон давлат раҳбарларининг уч томонлама учрашуви дўстлик, ишонч дахлсизлиги ва катта марралар сари кўшма қадамларнинг тасдиғидир. Марказий Осиё бутун янги иқтисодий имкониятлар остонасида турибди.

Нуктаи назар

Шу ўринда Ўзбекистон — Туркманiston муносабатлари ривожланишининг барқарор динамикасини, давлат раҳбарлари ўртасидаги ишончли муносабатларни қайд этиш лозим. Шунингдек, Ўзбекистон ташаббусига кўра Жанубий Кавказ минтақаси билан янги истиқболлар очилмоқда. Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги икки томонлама ришталар вақт синовидан ўтди ва 2024 йилда Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши ўзаро ҳамжиҳатлик тарихида янги саҳифаларни очди.

Уч давлатнинг қулай географик жойлашуви, улар ўртасидаги вақт синовидан ўтган муносабатлар Озарбайжон, Туркманiston ва Ўзбекистон раҳбарларининг уч томонлама учрашуви кун тартибидан белгилаб берди. Бу, биринчи навбатда, уч давлатнинг транзит салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш, шунингдек, Хитойни Жанубий Осиё, Яқин Шарқ ва Европа билан боғлайдиган барқарор ва самарали трансминтақавий йўналишнинг шакллантириш заруратидир.

Гап Трансафгон йўли ва Ўрта йўлак, жумладан, Зангезур йўлига ҳақида кетмоқда. Айни чоғда гап фақат йўлақлар ҳақида ҳам эмас. Ўзбекистон етакчиси томонидан юқори таълим бўйича тарифларни ўзаро пасайтириш ва уч мамлакатнинг транзит салоҳиятини рўёбга чиқаришга яхлит ёндашув бўйича илгари сурилган ташаббуслар логистика инфратузилмасини ривожлантиришга салоҳиятли донор-халқро ташкилотларни жалб қилиш имконини беради. "Аваза" миллий туристик зонасида бўлиб ўтган "Ўзбекистон — Туркманiston — Озарбайжон" форматдаги биринчи уч томонлама саммитда савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, энергетика ва гуманитар соҳаларда кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

Бу саммитдан илгари, август ойининг бошида денгизга чиқиб имконияти бўлмаган ривожланаётган мамлакатларга бағишланган БМТнинг III конференцияси майдонида Ўзбекистон, Туркманiston ва Озарбайжон янги минтақавий альянсининг туғилишини эълон қилди. Туркман халқининг миллий етакчиси, Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов томонидан илгари сурилган ушбу ташаббус 22-23 август кунлари ўз ривожини топди — Озарбайжон ва Ўзбекистон раҳбарлари яна Туркманistonга ташриф буюрди. Ушбу учрашувнинг мақсади алоқа ва ҳамкорлик истиқболларини кенг қўламини йўналишларда батафсил муҳокама қилиш эди.

Транзит салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш зарурати нимада?

Президентимиз Шавкат Мирзиёев кўп томонлама ҳамкорликни

кенгайтириш бўйича қатор аниқ тақлифларни билдирди. Уч давлатнинг катта транзит салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш муҳимлиги айтилди. Шунингдек, товар айирбошлаш ва саноат кооперацияси қўламини тубдан ошириш устувор йўналишлардан бири этиб белгиланди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда Ўзбекистон билан Туркманiston ва Озарбайжон ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми икки баробар ошди. Бунда саноат товарларининг улуши 40 фоизга етди. Барқарор савдо ва логистика тармоқларини ривожлантириш, улгуржи тарқатиш марказларини яратиш ва йирик чакана савдо тармоқларига кириш, фитосанитария ва карантин талабларини бирлаштириш, маҳсулотларни рақамли маркалашни жорий этиш, кўшма электрон платформаларни ишга тушириш ва биржа кооперациясини кенгайтиришни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирлар режасини биргаликда тайёрлаш тақлиф қилинди.

Ўзбекистон етакчисининг деярли барча хорижий ташрифларининг



ҳолда транспорт-логистика тизимини ривожлантириш иқтисодий сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон томони "Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой", Трансафгон транспорт йўлига, "Шимол — Жануб", "Ўзбекистон — Туркманiston — Эрон — Умон" ва бошқа қатор йирик транспорт лойиҳаларини амалга оширишда иштирок этмоқда. Айни пайтда Туркманiston ва Озарбайжон орқали Европада янги транспорт йўналишини очмоқда. Ўзбекистон Президентининг Авазада бўлиб ўтган уч томонлама саммитда қатнашиши қитъа транспорт тизимини такомиллаштириш

“Ўзбекистон — Туркманiston муносабатлари ривожланишининг барқарор динамикасини, давлат раҳбарлари ўртасидаги ишончли муносабатларни қайд этиш лозим. Шунингдек, Ўзбекистон ташаббусига кўра Жанубий Кавказ минтақаси билан янги истиқболлар очилмоқда. Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги икки томонлама ришталар вақт синовидан ўтди ва 2024 йилда Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши ўзаро ҳамжиҳатлик тарихида янги саҳифаларни очди.”

асосий кун тартиби доимо иқтисодий масалалар, яъни савдо-иқтисодий ва сарможий алоқаларини кенгайтириш, саноат кооперациясини чуқурлаштириш, ўзаро илмий-техника ҳамкорлигини ривожлантириш йўлга қўйилиши ўз ичига олади. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Транспорт-коммуникация, энергетика, денгиз коммуникациялари ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорликни фаоллаштириш учун юқори салоҳият мавжуд, буни Президент Шавкат Мирзиёев ўз нутқида алоҳида таъкидлади.

Айтиш хоизки, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида конструктив ташқи сиёсат олиб борилмоқда. Кўп жиҳатдан Ўзбекистон етакчисининг савдо-иқтисодий, кучли сиёсий иродаси туфайли Марказий Осиёда ишонч инқирози енгиб ўтилди ва мустаҳкамлашни жараёни бошланди. Минтақа хавфсизлик, барқарор ривожланиш ва янги имкониятлар ҳудудига айланди.

Ўзбекистон, аслида, Марказий Осиёда кўпжақ интеграция жараёнининг ташаббускори ҳисобланади. Республиканинг транзит салоҳиятидан самарали фойдаланган

Интеграция босқичларининг асосий қисми

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Туркманiston ва Озарбайжон билан жуда ишончли муносабатлар ўрнатди. Боку ва Ашхобод Ўзбекистоннинг стратегик ҳамкорлари ҳисобланади. Шу муносабат билан Туркманiston, Озарбайжон ва Ўзбекистон раҳбарлари ўртасида Авазада эришилган келишувлар савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, шунингдек, энергетика ва транспорт-коммуникация соҳаларида шерикликни чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон, Туркманiston ва Озарбайжон раҳбарларининг Ашхободдаги уч томонлама учрашуви бир неча муҳим сабабларга кўра ўтказилди. Биринчидан, уч мамлакат ўртаси-

даги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни кучайтириш, ўзаро ишончли мустаҳкамлаш.

Иккинчидан, транспорт йўлақларини ривожлантириш. "Шарқ — Ғарб" транспорт йўлига каби минтақавий транспорт лойиҳаларини ривожлантириш ва бу орқали Европа ҳамда Осиё ўртасидаги савдонини осонлаштириш. Бу йўлакнинг муҳим қисми уч мамлакат ҳудудидан ўтади. Учинчидан, энергетика соҳасида ҳамкорлик. Туркманistonнинг газ захираларини Озарбайжон орқали Европада етакзиб бериш имкониятларини муҳокама қилиш. Бу Европанинг энергия хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Туртинчидан, иқтисодий алоқаларни кенгайтириш. Савдо-сотиқ ҳажмининг ошириш, кўшма инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, саноат ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш.

Бешинчидан, минтақавий хавфсизликни таъминлаш. Терроризм, экстремизм ва наркотрафикка қарши биргаликда курашиш, чегараларни мустаҳкамлаш ва минтақадда тинчлик ва барқарорликни сақлаш.

Олтинчидан, сиёсий мулоқотни давом эттириш. Минтақавий ва халқро масалалар бўйича фикр алмашиш, муштарак позицияларни ишлаб чиқиш ва халқро ташкилотларда бир-бирини қўллаб-қувватлаш.

Етинчидан, янги ҳамкорлик формаларини яратиш. Уч томонлама шерикликнинг янги йўналишларини аниқлаш ва келгуси лойиҳаларни режалаштириш.

Умуман, бу учрашув минтақавий интеграция жараёнларининг муҳим қисми бўлиб, уч мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий манфаатларини амалга оширишга қаратилган. Учрашувда Ўрта йўлакнинг транспорт ўтказувчанлик қўбилиятини кенгайтириш, шу жумладан, Туркманboши ва Боку портларида замонавий логистика инфратузилмасини яратиш, келишилган тариф сиёсатини юритиш, тартиб-таомилларни рақамлаштириш ва юқлар назоратини таъминлаш масалалари устувор бўлди.

Шундай қилиб уч томонлама учрашув натижалари нафақат Озарбайжон, Туркманiston ва Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ минтақаси учун янги интеграция имкониятларини очди. Бу ҳамкорлик иккала минтақадда ҳам барқарорлик ва тинчликни мустаҳкамлаш учун шароит яратди, минтақавий иқтисодиётларнинг глобал бозорларга чиқишини осонлаштирди, шунингдек, Евросиёе маконида барқарор ривожланишни таъминлайди.

Имзоланган ҳужжатлар сиёсий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга, жумладан, мамлакатларнинг халқро ташкилотлар, энг аввало, БМТ доирасидаги ташаббусларини бир-

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Туркманistonга ташрифи Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат курси учун стратегик аҳамиятга эга. У мамлакатнинг Евросиёе боғламларининг муҳим маркази сифатидаги қарашларини мустаҳкамлайди, Озарбайжон ва Туркманiston билан иқтисодий, энергетика ва маданий алоқаларни кенгайтиришга хизмат қилади. Уч томонлама учрашув Каспий — Марказий Осиё ҳамкорлик йўлига асос солди ва Ўзбекистоннинг минтақавий шаклланаётган геосиёсий ландшафтидаги муҳим давлат сифатидаги маконини мустаҳкамлади.

Садриддин ТУРОБЖОНОВ, Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ректори, академик.

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

Чекка қишлоқда замонавий шифо маскани

Кўдала туманининг чекка ҳудудларидан бири бўлган Галабек қишлоғидаги оилавий шифокорлик пункти биноси ўта таъмирталаб ҳолатга келиб қолган, бу эса тиббий хизмат сифати билан боғлиқ қўллаб муаммоларга сабаб бўлаётганди.

Жорий йилда тегишли дастур асосида муассаса тўлиқ қайта таъмирланиб, замонавий қиёфа касб этди. Зарур ускуна ва тиббий технологиялар билан жиҳозланди.

— Ушбу тиббиёт муассасаси Наймансарой ва Шўркудуқ маҳаллалари таркибига кирувчи ўнга яқин кичик қишлоқлар аҳолисига хизмат қилади, — дейди фахрий ўқитувчи Нишон Жабборов. — Аввал бу ерда зарур шарт-шароитлар йўқ эди. Бугун эса яратилган имкониятлар бизни хурсанд қилмоқда.

Муастакиллигимизнинг 34 йилги арафасида замонавий тиббиёт муассасасининг фойдаланишга топширилиши ҳудуд аҳли учун ҳақиқий байрамга айланган кетди.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ («Халқ сўзи»).

Тўқимачилик саноатида самарали лойиҳа

Шу кунларда Хоразм вилоятида тўқимачилик саноатида яна бир янги лойиҳа ишга туширилди. Богот туманида текстиль йўналишидаги йирик корхоналардан бири бўлган «Коботекс» масъулияти чекланган жамиятига калава ип ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.



— Муастакилликнинг дастлабки йилида Хоразм вилоятида шу ҳудудда етиштирилган пахта толасининг атиги бир фоизи қайта ишланган, — дейди Хоразм вилояти ҳокимининг ўринбосари Анавар Давлетов. — Кейинги йилларда пахта-тўқимачилик кластерлари таркибига янги лойиҳаларни ишга тушириш, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технология жиҳатдан янгилаш ҳисобига бу кўрсаткич бугунги кунда 93 фоизга етди. Илп охиригача ишга тушириладиган янги қувватлар ҳисобига мазкур рақам 100 фоиздан ортади.

Бугун ишга туширилган лойиҳанинг умумий қиймати 24 млн. доллар бўлиб, энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган ҳаётларда йилга 8 минг тонна калава ип ишлаб чиқарилади. Натижада корхонанинг экспорт имконияти 10 млн. долларга ортади, бюджетга йилга 15 млрд. сўм қўшимча маблағ таъминланади, энг муҳими, 350 нафар йигит-қиз иш билан таъминланади. Бундан ташқари, корхонанинг тикувчилик ҳеҳида яна 350 нафар хотин-қиз учун иш ўрни яратилди.

Одилбек ОДАМБОВ («Халқ сўзи»).

Бўлажак чемпионлар мактаби

Фаргона шаҳрида «Timur Kapadze Kopa Junior» болалар футбол мактаби фойдаланишга топширилди.

Энг улуг, энг азиз байрам — истиқлолимизнинг 34 йилги арафасида вилоятда яна бир замонавий футбол мактаби иш бошлагани бу борадаги савий-ҳаракатларнинг мантиқий давомидир.

— Фаргона вилояти истеъдодли футболчилар тайёрлашда ўзига хос тажриба мактабига эга, — дейди футбол фахрийси, таниқли мураббий Тохир Копадзе. — Айни пайтда ҳам илк сабоқларни Фаргона футбол мактабига олган кўплаб истеъдодли ёшлар футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси, мамлакатимизнинг машҳур клублари ҳамда хориждаги турли чемпионатларда муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Ишонимизки, барча замонавий шариоитлар муҳай ётилган ушбу футбол мактабидан ҳам келажакда маҳоратли спортчилар етишиб чиқади.

Тантанали маросимда футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Тимур Копадзе иштирок этиб, мактабга қабул қилинган илк ўқувчиларни самимий кўтади. Бўлажак футболчиларга миллий терма жамоа ва Фаргона вилояти ҳокимлиги мутасаддилари томонидан эсдаллик совғалари тақдим этилди.

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).



Жамиятимизда анчадан буюн қизғин муҳокамаларга сабаб бўлаётган тўйлар ва бошқа оилавий тадбирларни ихчамлаштириш масаласи нафақат юртдошларимизнинг шахсий даромадлари барқарорлигини сақлаш, балки ҳар бир хонадоннинг тинчлиги ва осойишталиги, қолаверса, ёшларимиз келажиги билан боғлиқ долзарб муаммодир. Унга ҳамма учун маъқул бўлган самарали ечим топиш чўқур илмий ёндашувни, социологик тадқиқотларни талаб этади.

Мушоҳада

Шундан келиб чиқиб, Оила ва гендер илмий-тадқиқот институти ташаббуси билан «Янги Ўзбекистонда тўй, оилавий тантана, маърака ва маросимларни ихчам ва камхарж ўтказишнинг оилалар иқтисодиётига ҳуқуқий ва маънавий таъсирини таҳлил қилиш» мавзюда ўрганишлар олиб борилди.

Лойиҳа доирасида тўй, оилавий тантана, маърака, маросимларнинг жамият ривожига таъсири ҳамда уларни миллий қадриятлар, ўрф-одатлар асосида ихчам ва камхарж ўтказиш, дабдабозликка йўл қўймаслик юзасидан юртдошларимизнинг фикрларини ўрганиш мақсадида социологик сўровнома ўтказилди. Хулосалар катталар ва ёшларнинг бу борадаги қарашларида анчагина фарқ борлиги, мамлакатимизда мазкур йўналишда илмий борилаётган тарғибот ишлари ҳамма жойда ҳам бирдек натижа бермаётганини кўрсатди.

Муаммонинг илдизи қаерда?

Муаммонинг илдизи қалқимизнинг азалдан тўйларни катта дабдаба билан ўтказишга одатлангани, бу анъана қон-қонимизга сингиб кетганига бориб тақалади. Ҳашаматли тўю тантаналар, турли маърака ва маросимлар, хатто кишининг вафоти билан боғлиқ тадбирлар ҳам жамиятда оиланинг обрўсини кўрсатиш воситаси сифатида қабул қилинади. Кўпчилик оилалар эса бошқалардан қолишмаслик учун катта харажатга кўл уришади. Тўйлар ва шу каби йиғинлар орқали оилалар ўзининг ижтимоий мақомини баян қилишга интилади.

Сирасини айтганда, тўйларга оиланинг бойлиги ва мавқеини намоён этиш воситаси сифатида қаралади. Оқибатда сўнгги йилларда тўйларга бўлган харажатларнинг кескин ошиб кетиши, исрофгарчилик ва ортиқча маросимларнинг урфга кириши кўплаб оилалар учун жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ҳукумат ва жамоатчилик томонидан тўйларни ихчамлаштириш бўйича олиб борилаётган савий-ҳаракатларга қарамай, бу масала ҳамон долзарблигига эришмади.

Ўтказилган сўровномада бу масалага ёндашувлар турлича эканлиги аниқланди. Социологик тадқиқот 9 та ҳудудда — Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Қашқадарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ўтказилди. Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинди,

ТўЙ БОЙЛИКНИ НАМОЙИШ ЭТИШ ВОСИТАСИ ЭМАС

эса шахсий манфаат ва умумжамят ахтиёжлари ўртасидаги номуносиватликни кўрсатади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, тўйлар орқали жамиятимизда мавжуд бир қатор ижтимоий муаммолар ҳам намоён бўлаётди. «Фалончи шундай тўй қилди, биз ҳам ундан кам бўлмаслигимиз керак» деган фикр рақобатга асосланган стереотипларни кучайтиради. Одамларнинг чинакам инсоний фазилятлари, ақл-идроки эмас, уларнинг қандай тўй қилгани кўпроқ диққат марказида бўлмоқда. Бу эса инсон қадригини моддийлик билан ўлчанганига олиб келади. Сўровнома хулосаларига кўра, кўплаб инсонларнинг ихчам, самимий тадбирларини маъқул кўраётгани ижобий ҳол, албатта. Бундай маросимларда меҳмонлар сони чекланади, ортиқча дабдабаю тансиқ таомлар эмас, балки руҳий ақиллик, ўз хурсандчилигини самимий, кўнгилга яқин инсонлар даврасида нишонлашга эътибор қаратилади. Муҳими, тадбир ҳақида инсонларнинг қалбларига эзгу хотиралар қолади, оилалар ўртасида қадр-қиммат, ўзаро муҳаббат ва ҳамжиҳатлик мустаҳкамланади.

Социологик сўров жойлардаги жамоатчилик кенгашири фаолияти ҳам яна бир бор кўриб чиқиш лозимлигини кўрсатмоқда. Респондентларнинг фақат 30 фоизи уларнинг фаолиятдан хабардор. Айниқса, ёшлар ва ёш оилаларда учраётган низоли вазиятларда аънавий тадбирларнинг таъсири каби йўналишларни ўз ичига олади.

Социологик сўровномада олинган натижалар институтиимизнинг ёш олимлари билан бирга, тажрибали педагоглар томонидан умумлаштирилди, таҳлил қилинди, тегишли хулосалар чиқарилди. Жумладан, оилашуноҳ Хасанбой Абдурамановнинг хулосаларига кўра, оилавий тадбирлардаги асосий маънавий тамойил ифодалилик, одоб, самимият ва муҳаббатдан иборат бўлиши лозим бўлса-да, сўровлар ва кузатувлар кўпгина тўй маросимларида бу тамойиллар эътибордан четда қолиб, унинг ўрнини ўзини кўз-кўз қилишга қаратилган «инстаграмбол» формалар эгаллаётганини кўрсатмоқда. Респондентларнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонуңчилик палатаси Кенгашлирининг «Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қўшма қарори ҳақида хабардорлик даражаси ўрганилди.

Сўралганларнинг 60 фоизи бу ҳужжат ҳақида хабардор, аммо қолган 40 фоизнинг бу борадаги билимлари етарли эмас. Шунингдек, тўйларни тартибга солиш масаласини фақат «шахсий иш» сифатида баҳоловчилар ҳам кам эмас. Респондентларнинг тахминан 35 — 40 фоизи бу борада жамоатчилик ёки давлат аралашувига ахтиёж йўқ, деб ҳисоблайди. Бу

лаштирилди, таҳлил қилинди, тегишли хулосалар чиқарилди. Жумладан, оилашуноҳ Хасанбой Абдурамановнинг хулосаларига кўра, оилавий тадбирлардаги асосий маънавий тамойил ифодалилик, одоб, самимият ва муҳаббатдан иборат бўлиши лозим бўлса-да, сўровлар ва кузатувлар кўпгина тўй маросимларида бу тамойиллар эътибордан четда қолиб, унинг ўрнини ўзини кўз-кўз қилишга қаратилган «инстаграмбол» формалар эгаллаётганини кўрсатмоқда. Респондентларнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонуңчилик палатаси Кенгашлирининг «Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қўшма қарори ҳақида хабардорлик даражаси ўрганилди.

Сўралганларнинг 60 фоизи бу ҳужжат ҳақида хабардор, аммо қолган 40 фоизнинг бу борадаги билимлари етарли эмас. Шунингдек, тўйларни тартибга солиш масаласини фақат «шахсий иш» сифатида баҳоловчилар ҳам кам эмас. Респондентларнинг тахминан 35 — 40 фоизи бу борада жамоатчилик ёки давлат аралашувига ахтиёж йўқ, деб ҳисоблайди. Бу

эса шахсий манфаат ва умумжамят ахтиёжлари ўртасидаги номуносиватликни кўрсатади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, тўйлар орқали жамиятимизда мавжуд бир қатор ижтимоий муаммолар ҳам намоён бўлаётди. «Фалончи шундай тўй қилди, биз ҳам ундан кам бўлмаслигимиз керак» деган фикр рақобатга асосланган стереотипларни кучайтиради. Одамларнинг чинакам инсоний фазилятлари, ақл-идроки эмас, уларнинг қандай тўй қилгани кўпроқ диққат марказида бўлмоқда. Бу эса инсон қадригини моддийлик билан ўлчанганига олиб келади. Сўровнома хулосаларига кўра, кўплаб инсонларнинг ихчам, самимий тадбирларини маъқул кўраётгани ижобий ҳол, албатта. Бундай маросимларда меҳмонлар сони чекланади, ортиқча дабдабаю тансиқ таомлар эмас, балки руҳий ақиллик, ўз хурсандчилигини самимий, кўнгилга яқин инсонлар даврасида нишонлашга эътибор қаратилади. Муҳими, тадбир ҳақида инсонларнинг қалбларига эзгу хотиралар қолади, оилалар ўртасида қадр-қиммат, ўзаро муҳаббат ва ҳамжиҳатлик мустаҳкамланади.

Социологик сўров жойлардаги жамоатчилик кенгашири фаолияти ҳам яна бир бор кўриб чиқиш лозимлигини кўрсатмоқда. Респондентларнинг фақат 30 фоизи уларнинг фаолиятдан хабардор. Айниқса, ёшлар ва ёш оилаларда учраётган низоли вазиятларда аънавий тадбирларнинг таъсири каби йўналишларни ўз ичига олади.

Социологик сўровномада олинган натижалар институтиимизнинг ёш олимлари билан бирга, тажрибали педагоглар томонидан умумлаштирилди, таҳлил қилинди, тегишли хулосалар чиқарилди. Жумладан, оилашуноҳ Хасанбой Абдурамановнинг хулосаларига кўра, оилавий тадбирлардаги асосий маънавий тамойил ифодалилик, одоб, самимият ва муҳаббатдан иборат бўлиши лозим бўлса-да, сўровлар ва кузатувлар кўпгина тўй маросимларида бу тамойиллар эътибордан четда қолиб, унинг ўрнини ўзини кўз-кўз қилишга қаратилган «инстаграмбол» формалар эгаллаётганини кўрсатмоқда. Респондентларнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонуңчилик палатаси Кенгашлирининг «Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қўшма қарори ҳақида хабардорлик даражаси ўрганилди.

Сўралганларнинг 60 фоизи бу ҳужжат ҳақида хабардор, аммо қолган 40 фоизнинг бу борадаги билимлари етарли эмас. Шунингдек, тўйларни тартибга солиш масаласини фақат «шахсий иш» сифатида баҳоловчилар ҳам кам эмас. Респондентларнинг тахминан 35 — 40 фоизи бу борада жамоатчилик ёки давлат аралашувига ахтиёж йўқ, деб ҳисоблайди. Бу

лаштирилди, таҳлил қилинди, тегишли хулосалар чиқарилди. Жумладан, оилашуноҳ Хасанбой Абдурамановнинг хулосаларига кўра, оилавий тадбирлардаги асосий маънавий тамойил ифодалилик, одоб, самимият ва муҳаббатдан иборат бўлиши лозим бўлса-да, сўровлар ва кузатувлар кўпгина тўй маросимларида бу тамойиллар эътибордан четда қолиб, унинг ўрнини ўзини кўз-кўз қилишга қаратилган «инстаграмбол» формалар эгаллаётганини кўрсатмоқда. Респондентларнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонуңчилик палатаси Кенгашлирининг «Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қўшма қарори ҳақида хабардорлик даражаси ўрганилди.

Таҳлиллар нимани кўрсатди?

Социолог Шоҳида Содикованинг таҳлилларига кўра, тўй ва маъракаларнинг шакллари ўзгартириш — давр талабидир. Сабаби, дабдабали тўйлар оқибатида оиланинг иқтисодий аҳоли ёмонлашиб, ёшлар ва қудалар ўртасида турли низоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Сўровномада тўй учун кредит олиш қарори ҳақида сўралганда, 22 фоиз респондент бу янги вариант эканини таъкидлаган. 12 фоизи эса тўй бир марта бўлади, шунинг учун ҳам қарз ёки кредит олиб бўлса-да, тўйни бугунги кун талабларига асосан янги ўтказиш тарафдор. Афсуски, амалиётда бу каби қарорлар оила бюджетига салбий таъсир кўрсатиб, кейинчалик кредитни қайтариш учун чет элга



Фарида АБДУРАХИМОВА, Оила ва гендер илмий-тадқиқот институти бўлим бошлиғи, педагогика фанлари номзоди, профессор.

ишга кетаётган муҳожирлар сонининг ошишига ҳам сабаб бўлмоқда. Тўй хизматлари бозоридagi нархларнинг ошиб кетиши ва турли хил янги тақлифларнинг пайдо бўлиши харажатларни янада оширмоқда. Тўйгача ва тўйдан кейин ташкил этилаётган «Marry me», «Love story», «Bride party» каби қўшимча тадбирлар ёшлар орасида урфга айланмоқда. Бундан тўйларни ташкиллаштиришга иқтисодлаштирилган фирмалар ва шоу бизнес вакиллари манфаатдор. Шу сабабли, ижтимоий тармоқларда бу каби тадбирлар билан боғлиқ роликлар тез-тез кўзга ташланмоқда. Сўровномада иштирок этган ёш респондентлар фикри бу борада иккига бўлинади. Аудиоториянинг ярми бу хилдаги замонавий «party»лар ўзи учун унчалик аҳамиятга эга эмаслигини, аксинча уларга сарфланган харажатларни тўйдан кейин оилавий дам ёки таълим олишга сарфланган афзал кўришини билдирса, айрим ёшлар тўйлардаги тадбирларни ижтимоий тармоқларга қўйиш учун ҳам ўтказишга ҳаракат қилишини билдирган.

Эътиборлиси, ёшлар орасида ҳам масалага тўғри ёндашиб, тўй, маросимларни ихчамлаштириш эъзизга тежаб қилинган маблағлардан оқилона фойдаланиш лозимлигини тушунаётганлар сони ортиб бораётгани кувонарли ҳол. Аммо баъзи ўринларда ёшлар ўз ихтиёрига қарши борган ҳолда катталарнинг мажбурлаши оқибатида дабдабали тўйлар қилинаётганини ҳам таъкидлаб ўтишган.

«Оддий тўй — бахтли оила»

Социолог сўров натижалари бизни айрим долзарб хулосалар чиқаришга ундайди. Яъни тўй ва маросимларни камхарж, самимий рўхда ўтказиш фақат моддий ёки ҳуқуқий масала эмас. Бу жамиятда инсоний муносабатлар маданияти, ёшларнинг қила ҳаётга тайёрлиги, ахлоқий нормалар, миллий қадриятларимиз билан боғлиқ мураккаб масалалар. Шундан келиб чиқиб, мутахассисларимиз томонидан, аввало, олий ва ўрта таълим муассасаларида тўйлар, никоҳ, оилавий масъулият мавзюларига бағишланган дарслар ва тренинглар ташкил этиш тақлиф қилинган. Аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ижтимоий тармоқларнинг омалашганини ҳисобга олиб, «Оддий тўй — бахтли оила» ҳаётеги ости-

Тўйларни ихчамлаштириш Янги Ўзбекистон жамияти учун муҳим ва долзарб вазифадир. Бу вазифани муваффақиятли амалга ошириш учун ҳукумат, давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳар бир оила биргаликда ҳаракат қилиши зарур. Шундагина биз исрофгарчиликларнинг олдини олиш, оилаларнинг иқтисодий фаровонлигини ошириш ва жамиятда ижтимоий адолатни таъминлашга эриша оламиз.

Фарида АБДУРАХИМОВА, Оила ва гендер илмий-тадқиқот институти бўлим бошлиғи, педагогика фанлари номзоди, профессор.

«PARAPAY» акциядорлик жамияти овоз берувчи (оддий) акцияларининг эгалари бўлган акциядорлари диққатига билдиришнома

«PARAPAY» акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши мажлисининг 2025 йил 23 январдаги КК-001/20205-сонли баённомаси асосида, номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 10 214 498 (ўн миллион икки юз ўн тўрт минг тўрт юз тўқсон саккиз) дона эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз оддий шаклдаги акциялар чиқарилганини ҳамда ушбу чиқарилишдаги акциялар 2025 йил 6 март кунини Ўзбекистон Республикаси Истикболли лойиҳалар миллий агентлигида Р1054-2-сон билан давлат рўйхатида олинганини маълум қилади.

■ ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган улшдорлар акцияларни, ўзига тегишли шу турдаги акциялар сонига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга бўлади;

■ акциядорларнинг акцияларни имтиёзли олиш ҳуқуқини билдиришномаси эълон қилинган пайтдан эътиборан 10 (ўн) кун давомида амал қилади;

■ акциядорларнинг акцияларни имтиёзли олиш ҳуқуқини билдиришномаси эълон қилинган пайтдан эътиборан 10 (ўн) кун давомида амал қилади;

■ акциядорларнинг акцияларни имтиёзли олиш ҳуқуқини билдиришномаси эълон қилинган пайтдан эътиборан 10 (ўн) кун давомида амал қилади.

Жамиятнинг электрон почта манзили: parapay88@gmail.com, расмий веб-сайти: www.parapay.uz Телефон: +998 (97) 495-27-05.

Муҳандислик йўналишлари бўйича ўтказилган «Энг яхши ғоя», «Энг яхши лойиҳа» ва «Энг яхши ихтиро» республика танлови ғолиблари электромобиль билан тақдирланди.

Advertisement for 'Xalq S'uzi' newspaper featuring a QR code, contact information for the editor-in-chief, and details about the newspaper's subscription and printing services.